

## Қутлаймиз!

✘ Илм-фан жамият тараққиётининг маёғидир. У ёритади, эл-юртга фаровонлик бахш этади. Уни маҳкам тутган илм тилсимларини билишдан, ўрганишдан завқ олади. Ўз касбига, соҳасига меҳри устувор бўлганлар институтимиз фахридир. Эшматов Сирожиддин Келдиёрович - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти таянч докторанти. 2020 йил учун қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиби бўлгани жамоамиз фахридир. Сирожиддин Эшматов «Ўзбекистон иқтисодиётида мева-сабзавотчиликда қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари» мавзусида илмий-тадқиқот олиб бормоқда. У жами 11 та илмий иш, жумладан - 8 та илмий мақола ва 3 та тезисларнинг муаллифидир.

**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**